

ҲАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Джалалов Фазлиддин Музарович

Мустақил изланувчи

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада ҳарбий олий таълим муассалари (*ОХТМ*)да таҳсил олувиши талабаларга чет тилларини ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари, ўқитиши методикаси, таълим беришнинг асосий мақсади ва компонентлари ёритилган. Шунингдек, бўлгуси ҳарбий таржимонларнинг коммуникатив компетенцияларини ривожлантирувчи механизмлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: таълим мазмуни, ҳарбий олий таълим муассалари, лингвистик кўнилмалар, ўқув жараёни, коммуникатив компетенция.

ОСОБЕННОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ В ВОЕННЫХ ВУЗАХ

Джалалов Фазлиддин Музарович

Независимый исследователь

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются основные особенности преподавания иностранных языков для студентов, обучающихся в военных вузах. Определяются основные компоненты и цель обучения военных переводчиков иностранному языку, заключающаяся в формировании коммуникативной компетенции.

Ключевые слова: содержание образования, высшие военные учебные заведения, языковые навыки, учебный процесс, коммуникативная компетентность.

FEATURES OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN MILITARY HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Djalalov Fazliddin Muzafarovich

Independent researcher

ABSTRACT

The specific features of teaching foreign languages for students studying in military higher education institutions, teaching methodology, the main purpose and components of education are described in this article. Mechanisms of developing communicative competence of future military translators are widely analyzed.

Keywords: *content of education, higher military educational institutions, language skills, educational process, communicative competence.*

КИРИШ

Бугунги кунда чет тилларини ўқитиш давлат сиёсати даражасига қўтарилигган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарори бунинг ёрқин далилидир. [1]

Чет тилларини ўқитишни мазмунли ва сифатли ташкил этиш, талабанинг билим даражасини таълимнинг вазифалари, мақсад ва стандартларига мослаштириш учун ўзлаштириладиган ўкув материалларини тўғри ташкил этиш долзарб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, ўкув жараёни – ривожлантирувчи ва тарбиявий элементларсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган мураккаб мажмуа бўлиб, ҳеч бир фанни ўқитиш бундан мустасно эмас. Зоро, таълим мазмуни – ўкув жараёнида иштирок этувчи турли фаолиятлар жамланмасидир.[2]

Бир томондан ўқиш контентини яратиш турли соҳаларда, масалан, амалий, интелектуал, ҳиссий ва бошқаларда ҳақиқий мулоқот талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиб, таълим дастурларининг ўзига хос хусусиятларига мос келиши керак. Бошқа томондан эса, таълим контенти ҳамма учун мавжуд бўлиши, юқори тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши, коммуникатив йўналиш, ҳаётийлик ва информативлик (кенг ахборот кўламига эга бўлиш) каби талабларга жавоб бериши керак.

ОҲТМларда ҳам, чет тилларини ўқитишнинг асосий мақсади, талабаларда таълимнинг олдинги босқичида олинган ва ўзлаштирилган чет тилларини билишнинг бошланғич даражасини ошириш, талабалар (курсанtlар) томонидан чет тилидаги коммуникатив компетенцияни эркин мулоқот қила олиш даражасига қўтариш, ижтимоий ва коммуникатив вазифаларни профессионал даражада ҳал қила олиш даражасида ўзлаштиришдан иборат.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳарбий соҳада чет тилларини ўқитиш аввало мақсад қўйишдан бошланади. В.Д.Шадриковнинг фикрича, мақсад – профессионаллик сари қўйилган илк қадамдир. [3] Курсантлар касбий фаолиятларида яхши натижага эришишлари учун, ўз олдиларига аниқ мақсадни қўйишни ўрганишлари зарур. Мақсад ўқитилаётган фаннинг мазмунини белгилайди. Талабаларнинг (курсанtlарнинг) чет тилларини ўрганишга қаратилган тайёргарлиги тил материали орқали амалга оширилади. Ушбу тил материали курсантларнинг маҳсус фанлар бўйича

билим олиш истаги ва чет тилларини муваффақиятли эгаллаш ўртасидаги муносабатини ўрнатади. Шу сабабдан, тил ўргатишга қаратилган ўкув материали ҳарбий соҳага йўналтирилган бўлиши мухим. Тажрибага кўра, ўкув материалининг ихтисослашганилиги (профессионал лексика, грамматика, материалларнинг ҳаётийлиги) талабаларни чет тилларини ўрганишларига замин яратади. Зеро, ўрганилаётган ўкув материалининг мазмуни орқали талабалар профессионал эҳтиёжларини амалга оширадилар.

Чет тилларни ўқитиш қўйидаги мақсадларга қаратилган:

- ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таълим олиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш;
- тадқиқот ва когнитив қобилиятларни такомиллаштириш;
- ахборот маданиятини тарбиялаш;
- талабаларнинг билим доираси ва маданий савиясини кенгайтириш;
- бағрикенглик ва турли хил маънавий қадриятлар, миллат ва халқларга бўлган хурматни шакллантириш. Юқорида кўрсатилган мақсадлардан келиб чиқиб, чет тилларини ўқитишнинг мазмунини тўғри шакллантира олиш имконияти пайдо бўлади.

Турли тадқиқотчилар таълим мазмуни ва унинг таркибий элементларига турлича муносабатда бўладилар. Масалан, А.Миролюбовнинг таъкидича, таълим қўйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

- лингвистик кўникмалар (тил даражалари бўйича: фонетика, лугат, грамматика ва бошқалар);
- нутқни шакллантирувчи кўникмалар (ёзиш, гапириш, ўқиш);
- муаммолар, обьектлар, вазиятлар;
- ёзма ва оғзаки матнлар. [1]

А.А. Леонтиевнинг фикрича, чет тили лексикасини ўзлаштиришнинг асосий йўли бу, хорижий ва она тилларининг лексик бирликлари ўртасида мустаҳкам алоқаларини ўрнатиш ва бу боғланишни давомийлигини таъминлашдан иборат. [4] ОТМда ўқиш шароитида талаба керакли назарий билимларни эгаллайди, ушбу билимларни амалиётда қўллаш орқали эса талаба (курсант)нинг нутқий кўникмаси шаклланади.

Ҳарбий таълим муассасасида таҳсил олаётган талабалар учун, чет тилини ўрганишдан асосий мақсад коммуникатив компетенцияни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу талабаларнинг маълум бир вазиятда чет тили воситасида тўғридан-тўғри мулоқотни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини англатади, бу ўз навбатида ҳарбий воқелик билан белгиланади [5].

Ҳарбий таржимоннинг энг муҳим кўникмаларидан бири қонунчилик тилини яхши ўзлаштирганлиги билан белгиланади. Биринчи навбатда, ҳарбий атамаларни нафақат она тилида, балки чет тилида ҳам яхши билиши талаб этилади. Иккинчидан, талабалар ҳарбий иш, стратегия, оператив санъат ва тактика ҳақида ҳам етарлича билим ва маълумотга эга бўлишлари керак.

Ҳар қандай соҳада оддий мутахассис билан ҳарбий соҳадаги мутахассиснинг асосий фарқи унда ахборот майдонида ишлай олиш қобилиятининг мавжудлигидадир. Яъни, ҳарбий маълумотлар билан ишлай олиши назарда тутилади. Олий таълимдаги замонавий компетенцияга асосланган ёндашув олий ўқув юртини тамомлаётган талабага: мавжуд билимлар асосида ҳар қандай мураккабликдаги касбий муаммолар ва вазифаларни ҳал қила олиш қобилиятига эга бўлиш талабини қўяди.

Чет тилларини ўқитишнинг самарали методини ривожлантириш мақсадида, ўқув материалини шакллантиришда, матн – мулоқотнинг ягона бирлиги эканлигини инобатга олиш керак. [6] Бизнингча, матнни танлашнинг асосий мезони, унинг ҳаққонийлигига акс этиб, у, касбга йўналтирилган когнитив қийматга эга бўлиши, ОҲТМнинг ўқув ва тарбиявий режаларига мос бўлиши, талабанинг манфаатларига мувофиқлиги билан белгиланади.

Чет тилини самарали ўқитиш методикасига назар солсак, у турли хил элементлардан иборат бўлиб, ҳар бири алоҳида функцияни бажаришига гувоҳ бўламиз. Масалан, ўқиши кўникмаси чет тилларини ўрганишнинг 4та муҳим кўникмаларидан бири ҳисобланади. Ўқиши гапириш билан алоқадор, унга боғлиқлиги бор. Ўқувчи ўқиган маълумот орқали гапиради, маълумот беради. У қанча кўп ўқиса, шунча гапириши учун маълумотга эга булади. Шу сабабдан ўқувчи, талаба ичида, овоз чиқариб, овоз чиқармай ўқиб гапириш учун маълумот тўплайди. Ўқиши гапириш учун маълумот манбаидир. [7]

Касбга йўналтирилган ўқиши кўникмасини ўргатиш жараёнида, талабалар ўқув ва касбий ахборотни қайта ишлаш усулларини ўзлаштирадилар, ўз фикрларини тўғри баён қилиш, ҳамда адабиётлар билан ишлашни ўрганадилар. ОҲТМда “Чет тили” фанини ўрганиш натижада, талабалар амалий машғулотлар учун зарур бўлган маълумотларни олиш учун адабиётларни ўқиши; олинган маълумотларни аннотациялар, қисқа хабарлар, рефератлар кўринишида баён эта олиш кўникмасини ҳосил қиласди. Ушбу кўникмалар, ўз навбатида, талабаларга касб доирасида керакли маълумотларни ҳаётий манбалардан (ҳарбий ҳужжатлар, газеталар, журналлар) олиш имкониятини беради.

Чет тилларини самарали ўқитиши доирасида ўқитувчининг ҳам ўрни бекиёс, албатта. Профессор-ўқитувчи кўпинча ўқув жараёнини самарали ташкил этишнинг қийин муаммосига дуч келади: агар ўқитувчи кучсизларга эътибор қаратиб ишласа, ҳар хил билим даражасига эга бўлган талабалар янги билимларни қабул қиласликларига олиб келиши мумкин. Натижада, ўрганишда олдинга силжиш бўлмайди, бу эса уларнинг чет тилини ўрганишга бўлган мотивацияларини пасайишига олиб келади. Агар ўқитувчи диққатини кучли талабаларга қаратса, заиф ва ўртача талабалар улар учун қийинроқ бўлган материални идрок эта олмайдилар, уларда ҳам олдинга силжиш бўлмайди ва шунга кўра ўқиш учун хоҳиш ва истак камая боради. Бу ҳолат, натижада, самарадорлик пасайишига олиб келади, яъни таълим сифати, бу бизнинг ишимизда нутқ фаолияти турлари (сўзлашиш, нутқ фаолияти) бўйича чет тилидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш даражаси сифатида белгиланади. [8, 10]

Услубий адабиётларда мустақил иш таълим жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, унинг ёрдамида ўқув ва тарбиявий жараёнда шахснинг муҳим хусусияти – мустақиллик шаклланади. Мустақиллик ҳиссини ривожлантириш учун, талаба чет тилини ўзлаштириш бўйича самарали йўллар, шакл ва усулларни яхши ўзлаштиromoғи зарур. Бинобарин, ўз устида ишлаш шароитида курсантларнинг чет тилларини ўрганиш бўйича мустақил ишини тўғри ташкил этиш масаласи муҳимdir.

Тадқиқотимиз олдига қўйган мақсадимиздан келиб чиқсак, ОХТМларда таҳсил олаётган курсантларнинг чет тилларини ўрганишлари учун ташкил этилаётган мустақил иш ўқув фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш вазифасини бажарувчи восита сифатида қаралади. Бу эса ўз ўрнида, ривожланишнинг барча босқичларида мустақилликни шакллантиришга хизмат қиласди.

Компьютер таълими дастурлари анъанавий ўқитиши усулларидан бир қатор афзалликларга эга бўлиб, талабанинг мустақил иши, шунингдек уларнинг билим фаоллиги, мотивация ва сифатини оширишга ёрдам беради. Бу биринчи навбатда тўғридан-тўғри аудиовизуал интерактив таъсир ўтказиш воситаси ҳисобланади. Анъанавий ўқитиши усуллари билан биргаликда уларни синфда қўллаш нутқ фаолиятининг ҳар хил турларини ўргатиш, лингвистик ҳодисаларнинг моҳиятини англаш, лингвистик қобилиятларни шакллантириш, коммуникатив вазиятларни яратиш, тил ва нутқ кўникмаларини автоматлаштириш ва индивидуал ёндашувни амалга оширишни таъминлаш ҳамда интенсивлаштиришга олиб келади. [9] Жумладан, чет тилларини

ўрганиш изланувчилар учун коммуникатив имкониятларни кенгайиши, илмий ва бошқа манбаларни оригинал тил соҳиби тилида ўқиш имконини ҳам беради. [10] Умуман олганда, олий ҳарбий таълим муассасалари курсант ва тингловчиларида чет тиллари бўйича коммуникатив, илмий, касбий қўнималарни шакллантириш; ҳарбий бошқарувда чет тилларининг долзарб аҳамияти тўғрисида тушунчани шакллантириш; ҳарбий соҳа ва жабҳаларда қўп қўлланиладиган хорижий сўз ва иборалар базасини ривожлантириш ва соҳага тааллукли чет тилидаги матнларни тушуниб талқин қила олиш маҳоратини такомиллаштириш чет тили ўқитишнинг асосий мақсадларидан биридир [11].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, олиб борган тадқиқотимизга кўра, ҳарбий олий ўкув юртларида чет тилларини ўқитиш бошқа олийгоҳлардан бир оз фарқланиши билан ажralиб туради. Бунда чет тилларини ўқитишнинг самарали воситалари бу, фан мазмунини касбга йўналтирилганлиги, чет тилларини ўзлаштиришдаги қўнималарни тўғри тақсимланиши, талабаларнинг (курсантларнинг) мустақил ишларини тўғри ташкил этиш масалалари билан ифодаланади. Талабаларнинг чет тилларини ўзлаштиришлари уларни ўзлари танлаган мутахассислик бўйича келажакда етук кадр бўлиб этишишлари учун замин яратади. Юқори малакали ҳарбий мутахассисларни касбий тайёргарлигини инобатга олган ҳолда, чет тилларини ўқитиш бошқа ўқитиладиган фанлар билан мутаносибликда (интеграциялашган ҳолда) амалга оширилиши керак. Айнан чет тиллари лингвистик таълим жараёнида кучли интегратив салоҳиятга эга бўлиб, унинг моҳияти мутахассислик бўйича фанларни ўрганиш истаги ва чет тилларини ўқитиш мақсадларини бирлаштиришдан иборат.

REFERENCES

1. <https://lex.uz/uz/docs/5431845>
2. Миролюбов А.А., Бим И.Л. Вопросы обученности учащихся иностранному языку. – Обнинск: «Титул», 1999. – 97 с.
3. Шадриков В. Д. Психология деятельности и способности человека. М.: Логос, 1996. 320 с.
4. Леонтьев А.А. Основы теории речевой деятельности. – М.: Наука, 1974. – 367 с.
5. Минакова Л.Ю. Институциональный дискурс в обучении иностранному языку студентов естественнонаучных специальностей // Лесное хозяйство и зеленое строительство в Западной Сибири: материалы VII Международной научной интернет-конференции, – Томск, 25 января 2015 г. – 2015 г. – Томск, 2015 – С. 164–170.

6. Щукин А. Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика. Изд-е 2-е, испр. и доп. М.: Филоматис, 2006. 480 с.
7. Тешебаева Лолахон Чет тилини ўқитишда инновацион ёндашув // CARJIS. 2022. №Special Issue 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/chet-tilini-itishda-innovatsion-yondashuv> (дата обращения: 29.09.2022).
8. Азимова Н., Рахимова Г. Инновацион ўқитиш усулларини инглиз тили дарсларида қўллаш // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2021 yil.
9. Мулладжанова Н., Тўхтаназарова Б. Хорижий тилларни ўқитишда рақамли технологиялардан фойдаланиш //“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2021 yil.
10. Абдурайимов С., Бахронова Д. Хорижий илмий тадқиқотларни ўрганишда чет тилларини билишнинг аҳамияти.// “Чет тилларни ўқитишда илғор хорижий тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этишнинг истиқболли йўллари” ЎР Қуролли Кучлари Академияси, 2020 йил 17 апрель
11. Тоиров А.И. Чет тилларни ўқитишда илғор хорижий тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этишнинг аҳамияти. .// “Чет тилларни ўқитишда илғор хорижий тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этишнинг истиқболли йўллари” ЎР Қуролли Кучлари Академияси, 2020 йил 17 апрель.